



Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@uamail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 9-yanvar, payshanba, 03 (23.283)-son

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосан ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Олтинчи чақириқ халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг биринчи сессияси 2020 йил 13 январь куни соат 9:00 да чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

1) 2019 йил 22 декабрда ўтказилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари сайлови яқунлари бўйича вилоят сайлов комиссияси раисининг ахбороти.

2) Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Регламенти ва доимий комиссиялар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида.

3) Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сиёсий партиялардан сайланган депу-

татларнинг партия гуруҳларини рўйхатга олиш тўғрисида.

4) Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссияларини тузиш тўғрисида.

5) Ташкилий масала.

6) Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари қўшма мажлиси Маслаҳат Кенгаши аъзоллигига номзодни тавсия этиш ҳақида.

3. Сессияга депутатлар, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирилари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилсин.

4. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Вилоят ҳокими

Э.ТУРДИМОВ

2020 йил 8 январь

Эркинжон ТУРДИМОВ, вилоят ҳокими:

- Парламент палаталарининг тўй-ҳашамлар тўғрисидаги қўшма қарори кучга кирди. Энди кафе ва ресторанларда ким ўзарига тўй қилиб манманлик қилинишига йўл қўйилмайди. Ўзбошимчилик билан қарорни бузишга, менсимасликка ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Қуошқондан чиққанлар қонун олдида жавоб беради.

Тўйларда пул сочиб, ўзини кўрсатадиганларни ноқўрлар, десак ҳам муболаға бўлмайди. Ахир пул давлатимиз раъзи, ейдиган номимиз, ризқ-насибамиз. Унда миллатимиз сиймолари акс этган. Имон-этикодини еб қўйган кишиларгина бундай жирканч ишга қўл уради.

Чоршанба – ёшлар куну

Ёшлар нимани истайди?

Эртанги кун эгаларига эътибор ҳар қачон долзарб аҳамиятга эга масала бўлган. Улар оруз-истаклари, қизиқиши ва интилишлари бугун қўллаб-қувватланса, келажгимиз чин маънода ишончли қўлларда бўлади. Шу маънода давлатимиз раҳбари барча даражадаги раҳбарлардан ёшлар билан ишни янгича тартибда ташкил этишни талаб қилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, кеча вилоят ҳокими Э.Турдимов Миллий гвардия вилоят бошқармаси шахсий таркиби билан учрашди. Учрашувда 2019 йилда ёшлар, шу жумладан, Миллий гвардия хизматчилари учун амалга оширилган ва жорий йилда қилинадиган ишлар ҳақида сўз борди.

Қайд қилинганидек, 2018-2019 йилларда Мил-

лий гвардия ходимларига Қорасув массивидаги уйлardan 60 та хонадон ажратилган. Жорий йилда яна 30 та хонадон топширилади. 2019 йил Миллий гвардия вилоят бошқармасига қарашли иккита ҳарбий қисмининг ошхоналарини таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 860 миллион сўм маблағ ажратилган. Маҳаллий бюджетдан ажратилган 500 миллион сўм маблағ ҳисобидан эса бошқарма хизматчиларига 20 та қорабайир зотли отлар олиб берилган. Шунингдек, 6 та замонавий "Лифан" русумли мотоцикл харид қилинган.

- Албатта, сизларга муносиб хизмат ва яшаш шароитларини яратиш борасидаги ишларимиз жорий йилда янада кенг қўлама

давом эттирилади, - деди вилоят ҳокими. - Ўз навбатида бунинг учун табиийки, сизнинг ташаббусингиз, соҳадаги фаоллигингиз муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, ўзаро мулоқот чоғида жорий йилда ёшлар ҳаётига оид масалаларда нималарга кўпроқ эътибор қаратилиши ҳамда улар олдида қўйиладиган талаб хусусида фикр алмашинди.

Хусусан, вилоят ҳокими ёшларнинг бандлиги, уй-жой таъминоти, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун кенг қўламли ишлар амалга оширилишини билдирди. Ўз навбатида ёшлардан жойлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ижтимоий фаол бўлишни, ватанпарварлик ва ҳамжиҳатлик ҳислатларини намоён қилишни сўради.

Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирокидаги учрашувда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Жамшид Уроқов вилоятда 2019 йилда амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар тўғрисида гапириб берди.

Маърузачи ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши, қишлоқ хўжалигида кластерларнинг ўрни, бандлик масалалари, аҳоли турмуш даражаси, туризмни ривожлантириш, вилоятнинг ташқи савдо айланмаси масалаларига тўхтади.

Тадбир сўнггида талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ёшларнинг ташаббус ва таклифларини ўрганиш, қайд этилган масалаларни ҳал этишга амалий кўмак беришга қаратилган учрашувлар жойларда маҳаллий ҳокимлар ҳамда бошқарма бошлиқлари томонидан ҳам ўтказилди.

Хусусан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Давронбек Жуманиязов Паст Дарғом туман тиббиёт бирлашмасида соҳада фаолият юритаётган ёшлар билан учрашди.

Самимий мулоқот руҳида кечган учрашувда тизимда меҳнат қилаётган ёшлар ўнга яқин муаммо ва ташаббус, таклифларини билдиришди.

Ўз муҳбиримиз.



Прокуратура органлари ходимлари касб байрами нишонланди

Вилоят прокуратурасида прокуратура органлари ходимлари куну муносабати билан тадбир ўтказилди. Унда вилоят, шаҳар ва туманлар прокуратуралари, ҳарбий прокуратура, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент, мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси ходимлари ҳамда соҳада кўп йиллар меҳнат қилган фахрийлар иштирок этди.

Видеоселектор тарзида ўтган тадбирда республика Бош прокурори Н.Йўлдошев тизимда фаолият олиб бораётган соҳа ходимларини байрам билан табриклаб, қонуний ижроси устидан назорат олиб бориш, шу мақсадда соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича тизимда кенг қўламли ишлар амалга оширилгани, соҳа ходимларининг фаолияти халқ манфаатларига

хизмат қилишга йўналтирилаётганини таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлашда соҳа ходимлари зиммасидаги масъулият янада ортгани қайд этилди.

- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган ман-

фаатларини ҳимоялаш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасидаги фаолият изчил такомиллашди, - деди вилоят прокурори Ф.Зуфаров. - Соҳа ходимларининг халқ билан бевосита мулоқот олиб бориш, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш имкониятини оширди. Шу билан бирга бу ишларни бажаришда вилоят прокуратураси тизимида фаолият юритаётган барча ходимлардан катта масъулият, фидойилик, ҳалоллик талаб этилади.

Шунингдек, тадбирда бир гуруҳ соҳа ходимлари Бош прокурор ҳамда вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов иштирок этди.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

Санъаткор учун тўй ҳам саҳна

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда санъаткорлар (хонанда, созанда, раққоса, бошловчи, сўз устаси, фотограф ва бошқалар) қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизмат кўрсатади. Улар фаолиятини лицензиялаш масаласида бир қатор қўлайликлар яратилмоқда. Шунингдек, санъаткорлар энди 12 фоиз даромад солиғи тўлайди.

Тўй-ҳашамларни тартибга солиш ҳақидаги Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма қарори ижросини таъминлаш масалаларига бағишлаб вилоят ҳокимлигида ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз борди.

Унда "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси вакиллари, вилоят маданият бошқармаси, шаҳар ва туман маданият бўлимлари ходимлари, санъаткорлар иштирок этди.

- Тўй ҳам санъаткор учун саҳна вазифасини ўтайди, -

деди "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси концерт-томошалар фаолиятини лицензиялаш бўлими мутахассиси Э.Ҳакимов. - У хонанда бўладими, созандами, раққосами саҳна маданияти деган тушунчани ҳис қилган ҳолда тўй-маросимларда хизмат қилиши талаб этилади. Кейинги вақтларда санъаткорларимизни қийнаб келаётган муаммолар ҳам ўрганилиб, улар учун енгилликлар яратилмоқда. Жумладан, лицензия учун тўланадиган давлат божи 4 бараварга камайтирилди.

Шунингдек, тадбирда санъаткорлар томонидан тўйларда айтилаётган қўшиқларнинг савиясига эътибор қаратиш, жонли ижрода қўйлай оладиган истеъдод эгаларини излаб топиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Тўлкин СИДДИҚОВ.

Сайловлар сабоғи ҳокимият иш услуби самарасини белгилайди

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ўтиб бораётган мамлакатимизда сайлов жараёнини янада демократлаштириш ва либераллаштириш устувор вазифа ҳисобланади. Ҳаракатлар стратегияси талабларидан келиб чиқиб, бу борада чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бунда асосий эътибор сайлов жараёнида рида очиқлик, ошкоралик ва фуқароларнинг

эркин иштирокини таъминлайдиган назорат механизмини кучайтиришга қаратилади. Жа-

мият тараққиётининг муҳим шарты бўлган ижтимоий тартибни таъминлашда, энг аввало, сайлов жараёнидаги тартиб муҳим роль ўйнайди, чунки сайловда ҳокимият шаклланади. Ҳокимиятнинг характери сайлов тизими характери билан боғлиқ бўлади. Агар сайлов адолатли ўтса, ҳокимият ҳам адолатпарвар бўлади ёки аксинча. Сайлов адолатли ўтиши учун сайлов жараёнида сайловчиларнинг эркин иштирокини таъминлайдиган механизм шаклланган бўлиши лозим. Бугунги кунда бундай механизмнинг ҳуқуқий асослари шаклланган бўлиб, у сайлов жараёнининг адолатли ўтишини таъминлади.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Сайловлар сабоғи

ҳоқимият иш услуби самарасини белгилайди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

2019 йил 22 декабрь куни ўтказилган сайловлар ҳалқимиз учун муҳим синов бўлди. Бу синов ҳалқимиз сиёсий фаоллиги олдинги сайловларга қараганда анча ўсганлигини кўрсатди. Бунга сайлов қонунчилигида қилинган ўзгаришлар ва қўшимчалар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Олдин бўлиб ўтган сайловларда айрим етишмовчиликлар ҳам намоён бўлган эди. Лекин у камчиликлар бирор-бир қонуний асоснинг етишмовчилигидан эмас, балки қонунга риоя қилишда акс этган эди. Айтилик, номзодлар кўрсатиш жараёнида бошланғич партия ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва маҳаллаларнинг фаол иштирок этиши таъминланмаган эди. Номзодни кўрсатиш жараёнида ҳуқуқий мезонларга риоя қилишдан ташқари,

сиёсий, маънавий, илмий ва бошқа мезонларга қатъий риоя қилишда ҳам айрим муаммолар кузатилганди. Бундай камчиликлар бу галги сайловларда такрорланмади, чунки бугунги кунда очиқлик ва ошқораликка асосланган назорат тизими шаклланиб бормоқда. Бошқача айтганда, номинал демократия реал демократияга айланиб бормоқда.

Муҳими ким депутат бўлганлигида эмас, балки назорат тизими қандай такомиллашаётганлигидадир. Депутатларнинг асосий вазифаси ижроия ҳокимияти устидан қонунга риоя қилишнинг назоратга олинишидир. Депутатларнинг ана шу функцияси демократия моҳиятидан келиб чиқади. Чунки демократия бу ҳокимиятнинг ҳалқ томонидан шакллантирилиши ва назорат қилинишини англатади. Лекин депутатлар назорат функциясининг кучайиши учун депутатларнинг ўзи назорат остида бўлиши керак. Бундай назоратни сайловчилар амалга ошириши лозим. Ана шунда назорат тизими тўлиқ шаклланади. Назорат тизими тартибни, тартиб эса тараққиётни, тараққиёт эса фаровон жамиятни таъминлайди.

Сайловда сиёсий партиялар ҳокимият учун кураш олиб боришади ва бунда ҳалқнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилишади. Сиёсий партиялар бир-биридан ўзларининг мақсадлари ва ҳаракат платформалари билан фарқ қиладилар. Улар ўз мақсадларига эришишлари учун аъзолари ва тарафдорларини кучайтиришга ҳаракат қиладилар. Ҳалқнинг ишончини қозониш учун ҳаракат қилиб, бошқа партиялар билан сайловчилар овози учун кураш олиб борадилар.

Сиёсий партиялар ўртасидаги курашлар адолатли ўтганлигини сайлов дебатларининг очиқлик ва ошқоралик

асосида ўтганлигидан кўриш мумкин. Одамлар оруз қилаётган бахтли ҳаётни куришга қайси партия қодир бўлса, ўша партия сайловда ғолиб бўлади.

Сайлов тизимида тартиб ўрнатиш учун, энг аввало, номзод кўрсатиш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан шу жараёнда сайловнинг тақдири ҳал бўлади. Бу жараёнда минглаб одамлар орасидан кучлисини танлаб олиш имконияти кенгроқ. Кейинги босқичларда фақат тўрт-беш кишидан бирини танлаш имконияти қолади, холос, яъни сайловчиларда танлаш имконияти кескин пасаяди. Шунинг учун номзод кўрсатиш мезонлари ишлаб чиқиши ва кенг жамоатчиликка маълум қилиниши керак.

Сайлов тизимида тартиб ўрнатиш учун асосий эътибор овоз бериш ва овоз санаш жараёнига назорат қилиш-

га қаратилмоқда. Лекин яширин ёпиқ равишда амалга оширилиши сабабли ушбу жараёнда назоратни такомиллаштириш мураккаб кечмоқда. Шунинг учун назорат сайлов тизимининг бошқа жараёнларида яширин эмас, балки очиқ амалга ошириладиган номзод кўрсатиш ва электрорат билан депутат ўртасидаги алоқа жараёнига қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу жараёнларда назоратнинг кучайиши овоз бериш ва санаш жараёнидаги назоратнинг етарли эмаслигини компенсация қилади. Агар бирор бир номносиб номзод ноқонуний йўл билан депутатликка эришса ҳам кейинги босқичларда назорат кучли бўлса, у ўз депутатлик фаолиятини амалга оширишга қодир эмаслигини кўрсатиб қўяди ва бундай депутатни чақиртириб олиш мумкин бўлади. Натijaда кейинги сайловларда номносиб номзодлар депутатликка интилмай қўядилар. Демак, **ҳалқ манфаатини ифодалайдиган ҳокимиятнинг шаклланиши сайлов тизимининг барча жараёнларида очиқлик ва ошқораликка асосланган назоратга боғлиқ.** **Фарҳод НАБИЕВ, СамДУ профессори.**

Шукрона

Беш йиллик муаммо бир ҳафтада ҳал бўлди

75 ёшдаман. Салкам ўттиз йил Самарқанд шаҳридаги "Сино" заводда оддий ишчи бўлиб ишладим. Қўлимга қоғоз-қалам олишимга беш йилдан бери мени қийнаб келаётган муаммо қисқа фурсатда ҳал қилинган сабаб бўлди. Хурсандлигимдан кўзимга ёш келди.

Тақдир тақозоси билан бошимдан кўп мусибатларни ўтказдим. 25 йилдан бери Самарқанд шаҳар Дамариқ маҳалласидаги бир ҳовлида ёлғиз яшаб келаман. Беш йил аввал уйимнинг томидан чакка ўта бошлаган эди. Оёғимда пайдо бўлган суяк емирилиши касаллиги сабаб орттиролмадим. Ўтган йили 10 декабрь куни ўтказилган сайёр қабулда вилоят ҳокимига ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Бир ҳафта ичида уйимнинг томи таъмирланди, тиббиёт ходимлари саломатлигини тиклаш учун амалий ёрдам кўрсата бошлади. Бу ғамхўрликдан бошим осмонга етди. Бунинг учун аввало Президентимизга, вилоятимиз ҳокимига, қолаверса, менга амалий ёрдам берган саховатли кишиларга миннатдорлик билдираман!

Гулсум ТАГИЕВА.

Аср фожиаси: таклиф ва ечим

Орол денгизининг қуриши

бизга қандай муаммоларни келтириб чиқарди?

Одамларнинг табиатга нисбатан шафқатсизларча муносабати туфайли 1990 йилларнинг охирига келиб, бир авлод кўз олдида Орол денгизи қуриб кетди. Бу эса денгиз атрофида табиий географик шароитнинг кескин ўзгаришига, экотизимлар ўртасидаги минг йиллаб шаклланган ўзаро боғлиқликнинг бузилишига олиб келди. Бу ўзгариш эса табиий ресурсларнинг йўқолишига сабаб бўлди.

Орол денгизи сатҳининг 1961 йилдан бошлаб тўхтовсиз пасайиб кетиши оқибатида ҳозирги вақтда бутун Орол бўйи ҳудудидаги табиий-географик комплексларда муҳит ҳосил қилувчи жараёнларнинг динамикасини тезлаштирувчи шароит вужудга келди. Табиий-географик муҳитнинг чуқур ўзгариши нафақат денгизнинг қуриган қисми, балки бутун денгиз бўйи атрофи ҳудудини, Сирдарё ва Амударё дельтаси текисликларини, Қорақум ва Қизилқум саҳроларининг денгизга яқин ҳудудларини қамраб олди.

Денгиз сатҳининг пасайиши ҳамда дельталар сув режимининг жамланмиши Орол атрофида табиий-географик мувозанатнинг борган сари издан чиқишига ва нихоят бузилишига олиб келди. Хўш, бу мувозанат қайси шароитда ва қайси омиллар таъсирида бузилди?

Олимларнинг тушунтиришига кўра, ўтган асрнинг 60-йилларига қадар Амударё дельтасига дарё орқали 50 километр/кубга яқин сув келиб турган. Шундан 8 километр/куб сув кўл, ботқоқликларни тўлдирди ҳамда буғланиш ва унинг транспирацияси мувозанатини ушлаб турган. Сирдарё дельтасида 3 километр/куб сув сарф бўлар эди. Сув ҳажмининг доимий равишда камайиб бориши гидроморф табиий-географик шароитини кескин ўзгариштириб юборди. Чунки бу ҳудудларда органик ҳаётнинг ривожланиши ва тараққиёти сув режимининг мунтазам барқарорлигига асосланган эди.

Хўш, бу каби табиий-географик ўзаро боғлиқликнинг бузилиши қандай салбий оқибатларга олиб келди? Табиий-географик компонентлар ўртасидаги боғлиқликнинг бузилиши ҳудуднинг саҳрога (чўлга) айланиши ҳодисасини келтириб чиқарди ва унинг минтақа бўйича тарқалишига

туртки бўлди. Саҳрога айланиш ҳодисасини ривожлантирувчи омиллар шу даражада тараққий этдики, аввалги гидроморф табиий-географик шароитлар бутунлай ўзгариб кетди. Бинобарин, минтақанинг табиий имкониятлари ярим асрдан зиёд вақт давомида бутунлай издан чиқди. Оқибатда бу ҳол инсоннинг яшаш экологик шароитлари тубдан ўзгаришига олиб келди. Масалан, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш нихоятда мураккаблашиб қолди. Орол муаммоси фақат географик-экологик масалаларни ўз ичига олмасдан, ижтимоий-иқтисодий, санитар-гигиеник, технологик, миллий, ҳуқуқий-этник ва бошқа қатор масалаларни қамраб олди.

Орол денгизи сатҳининг кескин тушиб кетиши, сувнинг шўрланиши, чанг бўронларининг кучайиши ва бутун табиий-географик вазиятнинг ўзгариб кетиши экологик зарарли оқибатлардан ташқари жуда катта иқтисодий зарарлар ҳам келтириб чиқарди. Масалан, Қизил-Ўрда целлюлоза-қоғоз комбинати иш фаолияти тўхтаб қолди, денгиз атрофидаги балиқчилик хўжалиғи батамом тугатилди. Ҳудуддаги иккита балиқ комбинати, 10 та балиқ заводи, 17 та балиқчилик хўжаликлари ёпилди. Бундан ташқари, Оролда балиқ овловчи ва транспорт флотини, қишлоқ хўжалиғи экинлари, яйловлар ҳосилдорлигининг пасайиши ва бошқа фойдаланган объектларнинг тугатилиши оқибатида келтирилган моддий зарарлар кўп.

Орол денгизининг қуриши мислсиз ижтимоий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Биринчидан, табиий-географик муҳит ҳамда ичимлик сув сифати ўта ёмонлашди, иккинчидан, аҳоли ўртасида ҳар хил касалликлар кўпайди. Учинчидан, ишсизлик юзага келди ва қатор ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди. Масалан, 1970 йилларда фақат Орол атрофида денгизда кема юриши, кемаларни таъмирлашнинг йўқ бўлиши 5 минг кишини ишсиз қолдирди. Денгизнинг қарама-қарши қирғоғидаги Мўйноқ шаҳрида ҳам худди шундай вазият вужудга келди.

Хўш, энди нима қилиш керак? Аввало, Орол танглигидан чиқиш учун энг муҳим чора-тадбирлар Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Буни кейинги икки

йилда Президентимиз томонидан Орол бўйи минтақаси ва Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилинганда кўришимиз мумкин. 2018 йил ноябрь ойида юртбошимиз Мўйноқ туманига ташриф буюриб, ҳақиқий аҳвол билан танишди. Сўнгра икки йилга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди. Унда 800 га яқин лойиҳани амалга ошириш режалаштирилди. Бу лойиҳалар сарф-ҳаражатлари 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг экан. 2018 йил 27 ноябрда яна бир тарихий воқеа бўлди. БМТ Президентимиз ташаббусини маъқуллади. Орол бўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди иш бошлади. Орол бўйида, хусусан, Мўйноқда катта-катта ишлар бошланди, денгизнинг қуриган 500 минг гектардан зиёд майдонда саксовулзор барпо этишга киришилди.

Шунингдек, Орол танглигидан чиқиш учун аҳолининг яшаш шароити ва унинг соғлигини яхшилашга эътибор қаратиш зарур. Уни тоза сув билан таъминлаш, канализация тизими, тозаловчи иншоотлар қуриш, кимёвий захарлар қўллашни ман қилиш, дарё сувига тозаланмаган ва дренаж сувларини ташлашни тўхтатиш, аҳолига тиббиёт хизмати кўрсатишни кескин равишда яхшилаш каби долзарб вазифалар кирди. Ундан кейинги муҳим вазифалар – сўғориш тизимлари ва иншоотларини қайтадан яхшилаш, қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқариши инфратузилмаларини ўзгариштириш ва мукамаллаштириш, хўжалиқни юри-тишнинг янги шакллари жорий қилишдан иборат.


Умуман, Орол муаммосига янги ҳақиқат керакки, Орол денгизи муаммоси Ер шаридаги ягона муаммо эмас. Бу муаммо кейинги вақтларда сайёраимизнинг кўпгина ҳудудларида, айниқса, Африкада тез содир бўлаётган умумий саҳроланиш жараёнининг бир қисmidир. Шунинг учун ҳам Орол бўйи танглигидан чиқиш учун бўлган изланишлар ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Лапас АЛИБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, география фанлари доктори, профессор.

Иссиқхоналар майдони 518 гектарга етди

2019 йилда вилоятимизда сабзавотчиликни ривожлантиришда катта ютуқларга эришилди.

Масалан, 2017 йилда вилоятимизда 71,2 гектар майдонда иссиқхоналар мавжуд бўлган бўлса, 2019 йилда уларнинг майдони 518,8 гектарга етди. Шундан 277,6 гектари замонавий, 83 гектари гидропоника усулида ҳамда 158 гектари аҳоли томорқаларидаги енгил конструкцияли ихчам иссиқхоналардир. Уларда бир йилда 45 минг тоннага яқин қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштирилмоқда.



Автомобиль ҳаракатланаётган йўлдан юрманг, пиёда

Содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари айрим ҳолларда пиёдалар иштирокида кузатилмоқда. Бу эса албатта, йўл ҳаракати иштирокчиларидан эътиборли бўлиши тақозо қилади. Хусусан, ўтган йилнинг декабрь ойида ўтказилган "Диққат, пиёда!" тадбири ҳам айнан йўловчилар хушёрлиги ва масъулиятини оширишга қаратилган билан аҳамиятга бўлди. Ушбу тадбирни юқори савияда ташкил этиш мақсадида Са-

марқанд шаҳар ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинимаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Йўл патруль хизмати инспекторлари транспорт воситаси серкатнов йўлларга яқин жойлашган корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари қаршида жойлашган пиёдалар ўтиш жойларига бириктирилди. Улар белгиланган манзилларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда

қоидабузарлик содир этган пиёдаларга тегишли тартибда чоралар кўрди.

Тадбир давомида йўл ҳаракати қоидаларини бузган 120 дан зиёд пиёдага маъмурий баённома расмийлаштирилиб, тегишли тартибда яшаш ҳудудидаги йўл ҳаракати хавфсизлиги бўли-маларига жўнатилди.

Озод УСМОНОВ, Самарқанд шаҳар ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинимаси инспектори.

Савол сиздан – жавоб мутахассисдан

Солиқ имтиёзлари бекор қилинди...ми?

? Чорвачилик хўжалигимиз солиқ ва боғхона имтиёздан фойдаланиб, хориждан чорва моллари олиб келиш бўйича шартнома тузди ва кредит асосида сентябрь ойида 60 бош қорамол олиб келди. Шартнома бўйича ноябрь ойида яна 60 бош қорамол келтириш белгиланган. 2019 йил октябрь ойидан солиқ ва боғхона имтиёзлари бекор қилинди. Энди нима бўлади? Имтиёзлар қўлланилмайдими?

Б.МУХТОРОВ, Жомбой тумани.

– Президентимизнинг 2019 йил 27 июндаги "Солиқ ва боғхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан 2019 йил-

нинг 1 октябрдан бошлаб, товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланади. Бунда товарларни биринчи марта импорт қилувчи хўжалик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобда туришлари шарт.

Шунингдек, юқоридаги фармонга асосан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан белгиланган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинди.

? Ўриндошлик асосида ишлаётган ходимга меҳнат таътили қандай ҳисобланади ва таътил пули қай тартибда тўланади?

Н.СОЛИЕВА, Ургут тумани.

Меҳнат кодексига асосан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимга асосий иш жойидаги каби меҳнат таътили ҳисобланиши лозим ҳамда ўриндошлик иш жойида ҳам олган даромадларидан келиб чиққан ҳолда таътил пули тўланади.

? Юридик шахсларга ижарага берилган мулк бўйича шартномаларни шахсий кабинетда рўйхатдан ўтказиш шартми?


А.КОМИЛОВ, Самарқанд шаҳри.

Йўқ. Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 24 июлда рўйхатга олинган "Кўчмас мулк ижара шартномаларини Давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қароридан юридик шахсларга ижарага берилган мулк бўйича шартномаларни рўйхатдан ўтказиш шарт эмаслиги назарда тутилган.

Саволларга вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Д.НУРМУҲАМЕДОВ жавоб берди.

ХОТИРА

Ўзимда йўқ фазилатларни устозимдан ахтарар эдим



Самарқанд давлат университетидида ўқиди.

Тиринчоқ, ҳаракатчан, иқтидорли талаба тез орада олимлар назарига тушди ва аспирантурага ўқишга тавсия этилди. Аммо ҳаёт ҳар доим ҳам текис йўлдан иборат эмас экан. Қиёмиддин ака мақсадига эришиш учун саккиз йил йўл излади ва имкон топиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институтига аспирантурага ўқишга кирди ва "Ўзбекистон иқтисодий таълимотлар тарихи" мавзусига қўл урди. Шу соҳада биринчи фан номзоди бўлди. 1954-1968 йиллар мобайнида СамДУда ассистент, доцент лаво-

зимларида ишлади ва педагог-олим сифатида шаклланди. 1968-1978 йилларда Самарқанд давлат педагогика институтида кафедра мудири бўлди. 1978 йилдан бошлаб Қиёмиддин аканинг меҳнат, ижтимоий фаолияти Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти билан боғланди. Мазкур илм даргоҳида иқтисодиёт факультети декани ўринбосари, гуманитар фанлар факультети декани вазифаларида ишлади.

Қиёмиддин Йўлдошев 46 йиллик меҳнат фаолияти давомида юртимиз учун минглаб малакали кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этди, уларда илм-маърифатга ҳавас уйғотди. Шогирдларидан фан номзодлари, докторлар етишиб чиқди.

Ўтган аср 60-йилларининг иккинчи ярми. Самарқанд давлат университетининг иккинчи босқич талабаси эдим. Сиёсий иқтисод фанининг капитализм қисмидан доцент Қиёмиддин Йўлдошев ҳам маъруза, ҳам амалий машғулотларни олиб борар эди. Домла маърузани шунчалик берилиб баён қилар эдики, талаба ўтирган жойидан қимирлашга ҳам хижолат бўлар эди. Домла ўзбек, рус, тожик тилларида маърузани бирдек бемалол ўқийверар эди. Мен асосан, амалий машғулотлар олиб борар, машғулотларни режалаштириш ва фойдаланадиган адабиётлар рўйхатини тузиш билан банд бўлардим. Шу орада вақт топиб домланинг маърузаларига ҳам қатнашардим.

Устоз марказ университетларидан бирига аспирантурага киришим, бирламчи манбаларни кўпроқ ўқишим муҳимлигини ўқитарди. Шундай ҳам бўлди. Бир йилдан кейин Ленинград (Санкт-Петербург) университетининг иқтисод факультети мақсадли аспирантурасига кириб ўқидим ва ўша ерда номзодлик диссертацияни муддатидан олдин ҳимоя қилиб келдим.

Йиллар ўтди, қанча сувлар оқиб кетди. Илмий даража ва унвонларим, лавозимларим ошди. Қиёмиддин Йўлдошев менга доим устоз бўлиб қолаверди.

Ҳозир ҳам Самарқанд томонларга йўлим тушса, албатта, дастлаб устознинг оиласини зиёрат қиламан.

Нурислом Тўхлиев, иқтисод фанлари доктори, профессор.

1950 йилда Пахтачи туманидаги Октепа қишлоғида туғилган Шомурод Абдуллаев улғайиб мактабни, сўнгра Самарқанд давлат тиббиёт институтини битиргач, бутун онгли ҳаётини халқ саломатлигини сақлашга бағишлаган инсон эди.

усқуналар билан таъминлиб, тажрибали ходимлар ишга олинди. Бюро фаолияти республика ва собиқ иттифокда энг намунали деб топилиди. Ш.Абдуллаевнинг иш услуби Самарқанд шаҳрида республика ва иттифок тиббиёт фанлар академиясининг семинарлари ўтказилиб, мамлакат суд-тиббий экспертиза ташкилотлари ўртасида омалаштирилди.

Ўзи ҳам, сўзи ҳам ибратли инсон эди



Очикқўнғил, истараси иссиқ, ширинсўз бу шифокор тез орада катта обрў-эътибор қозонди. Дастлаб Пахтачи туман марказий шифохонасида фаолият бошлаб қўли эм, сўзи ширин дўхтир сифатида эл хурматиға сазовор бўлди. Кўп ўтмай - 1980 йилда туман суд-тиббий экспертиза хизмати бошлиғи этиб тайинланди. Шу соҳа бўйича Киевда малакасини ошириб келди. Муассаса янги бинога эга бўлиб, суд-тиббий экспертиза учун зарур жиҳозлар, тажрибали кадрлар билан таъминланди. 1985 йилда Ш.Абдуллаев вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси бошлиғи этиб тайинланди ва умрининг охири - 2011 йилгача шу лавозимда ишлади.

Унинг сазй-ҳаракатлари билан бюронинг моддий-техник базаси мустақамланди, янги бинолар, замонавий асбоб-

Ш.Абдуллаев ҳақида бундай илиқ хотираларнинг унинг бошқа дўстлари, ҳамкасблари, шогирдларидан ҳам эшитиш мумкин. Соғлиқни сақлаш аълочиси, тиббиёт фанлари номзоди Шомурод Абдуллаев ҳаёт бўлганида 70 ёшни қаршиларди. У ўзидан ўчмас из, ёрқин хотиралар қолдирди. Унинг хотираси қалбимизда яшамоқда. ИZZАТУЛЛА НОРҚУВВАТОВ.

РЕКЛАМА, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта - сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбон / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судларида мавжуд бўш (вакант) судьялик лавозимларига НОМЗОДЛАР ЗАХИРАСИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захираси зарур билимга, етарли ҳаётий тажрибага, бекунқон обрў-эътиборга эга юқори малакали юристлар орасидан, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисослиги бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари

ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган. Ҳозирги кунда фуқаролик ишлари бўйича Пайариқ туманлараро судининг раиси, Иштихон туманлараро судининг 1 нафар судьяси лавозимлари бўш (вакант) бўлиб турганили маълум қилинади. Шу муносабат билан мазкур бўш (вакант) судьялик ўринларини тўлдириш ва судьялик лавозимига номзодлар захи-

расини шакллантириш мақсадида ички ишлар идораларида самарали фаолият юритиб келаётган ходимларга бу ҳақда маълум қилиб, уларга тегишли тартибда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судлари судьялари малака ҳайъатига ёки Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига мурожаат этишлари мумкинлигини маълум қиламиз.


МАНЗИЛИМИЗ: Самарқанд шаҳри Кўқсарой майдони, 3-уй. Мурожаат учун телефонлар: 66-231-03-58, 66-233-10-53. САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДЛАРИ СУДЬЯЛАРИ МАЛАКА ҲАЙЪАТИ.

ПАХТА ЕТИШТИРУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Туманларда 2020 йилда уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказилади. Талабгорлар танлов комиссиясига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: - фермер хўжалиги раҳбари номидан ариза; - фермер хўжалиги раҳбари номидан тилхат; - туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими маълумотномаси; - фермер хўжалиги, унинг раҳбари ва ишчи ходимлари тўғрисида маълумотнома; - ирригация тизими бошқармаси маълумотномаси; - вилоят "Агрокимёхимия" ҲАЖНИНГ туман филиали томонидан берилган маълумотнома; - фермер хўжалиги раҳбарининг мутахассислиги ва маълумоти тўғрисида ҳужжат (димлом нусхаси); - фермер хўжалиги раҳбарининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар (меҳнат дафтари ва бошқа ҳужжатлар); - фермер хўжалигида ишлаётган уруғчи ҳосилотнинг маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (димлом нусхаси ва меҳнат дафтари); - мажбуриятдан озод пул маблағи тўғрисида тегишли банк томонидан берилган маълумотнома; - агроноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциянинг туман бўлими бошлиғи томонидан берилган маълумотнома ҳамда техпаспорт нусхаси; - контрактация шартномасининг бажарилиши бўйича пахта-тўқимачилик кластери томонидан берилган маълумотнома; - сўнги 3 йил ичидаги пахта ҳосилдорлиги бўйича пахта-тўқимачилик кластери томонидан берилган маълумотнома.

Илова

Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун танловини ўтказиш СХЕМАСИ



ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Ургут туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги «SMART WAYS» қўшма корхонаси (СТИП: 305042094) ўз устав фонди миқдорини 2 551 203 000 (икки миллиард беш юз эллик бир миллион икки юз уч минг) сўмдан 845 196 300,41 (саккиз юз қирқ беш минг бир юз тўқсон олти минг уч юз сўм қирқ бир тийин) миқдорга камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетлада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади. МАНЗИЛ: Ургут тумани Мерганча массиви «Ургут эркин иқтисодий зонаси» худуди. ***

Самарқанд шаҳридаги «TRAVEL VISA» оилавий корхонаси (СТИП: 306985352) ўз номини «S-TRAVEL GROUP» оилавий корхонасига ўзгартирди. «S-TRAVEL GROUP» оилавий корхонаси «TRAVEL VISA» оилавий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетлада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади. МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Дўстлик кўчаси, 8-уй. ***

Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Худайбердиев Теллага (2008 йил 31 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. МАНЗИЛ: Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси, Алишер Навоий кўчаси. ***

Самарқанд шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасида марҳум Абдалиев Тураҳон Муслимовичга (2016 йил 28 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Нодирбегим кўчаси, 5/1-уй. ***

Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Саидов Амритдин Сирожидиновичга (2016 йил 6 ноябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. МАНЗИЛ: Жомбой тумани Сарой кўчаси. ***

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Зарипов Хусен-Алига (2015 йил 18 декабрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй. ***

Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетлада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади. МАНЗИЛ: Ургут тумани Мерганча массиви «Ургут эркин иқтисодий зонаси» худуди. ***

Самарқанд шаҳридаги «TRAVEL VISA» оилавий корхонаси (СТИП: 306985352) ўз номини «S-TRAVEL GROUP» оилавий корхонасига ўзгартирди. «S-TRAVEL GROUP» оилавий корхонаси «TRAVEL VISA» оилавий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетлада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади. МАНЗИЛ: Пайариқ тумани Нариман шаҳарчаси. ***

БЕКОР ҚИЛИНАДИ 1-Самарқанд педагогика коллежидан 2007 йилда Эсанбоева Фарида Бахтиёровна номига берилган рўйхат рақами 866, К № 844118 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. ***

Паст Даргом туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Раҳимова Садоқат Мамарасул қизи номига берилган О'Р-Ш № 1057880 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. ***

Ургут туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Махматкулов Шахзодбек Бобоназар ўғли номига берилган УМ № 0161688 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. ***

Ургут туманидаги 3-ўрта мактабдан 2000 йилда Сатторов Акмал Восиевич номига берилган О'Р-А № 760441 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. ***

Ургут туманидаги 33-ўрта мактабдан 1992 йилда Дўстов Абдиҳалим Шерматович номига берилган № 314920 рақамли тўлиқсиз ўрта таълим тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. ***

Тойлоқ туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Имомова Ғолиба Арзиқулловна номига берилган О'Р-А № 1754097 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. ***

2-сон Самарқанд тиббиёт билим юртидан 1995 йилда Асқарова Машура КаК

ландаровна номига берилган № 103821 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. ***

Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан 2013 йил 26 декабрда Тухтаев Нормурод Хамитовичга Самарқанд шаҳри Сартепа маскани 141-уй, 18-хонадон учун берилган 301 рақамли «Тураржой учун ёрлик-хизмат ўйи» ҳужжатининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. ***

Каттақўрғон туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Ҳамраев Шухрат Асомиддиновичга берилган U № 1871593 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. ***

Оқдарё туманидаги «NORKESKAN-KUMUSHKENT» фермер хўжалигининг (СТИП: 205486193) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. ***

Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидан 2006 йилда Қазимов Қазим Исламович номига берилган рўйхат рақами 1472, К № 450154 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. ***

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмаси вилоят бўлими ҳамда вилоят "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари бирлашган тахриратия тасмаоси фаҳрий журналист Амрилло Аҳмедовга онаси ДИЛАМ ЯЯ ТУРДИЕВАНING вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради. ***

Самарқанд давлат университети ректорати, санъатшунослик факультети жамоаси тасвирий санъат кафедраси ўқитувчиси Самандар Муроновга отаси, профессор Баҳриддин МУРАНОВNING вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади. ***

Самарқанд давлат университети ректорати, механика-математика факультети ҳамда алгебра ва геометрия кафедраси жамоаси шу кафедра доценти Элмурод Жабборовга отаси ЯЗДОН ЖАББОРОВNING вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради. ***

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

Масъулият ҳис қилинса, имкон топилади

Матбуот, телевидение, ижтимоий тармоқларда аҳолининг энг кўп мурожаатлари ободончилик муаммолари билан боғлиқ бўлмоқда.

Кишини таъжубга соладигани шуки, ушбу соҳалар мутасаддиларининг айримлари асосий вазифаси қолиб аллақандай қозғозлик, беҳуда йиғилишлар, ёлғон ҳисоботлар билан шуғулланади.

Ажабланарлиси шундаки, тегишли портал ва секторларга мурожаат келиб тушгач, кўп жойларда дарҳол кўчани таъмирлаш ёки ичимлик сув қувури ётқириш, электр сими тортиш ишлари бошланяпти.

Гап айрим идора, ташкилот ва корхоналарда амални имтиёз деб билган, эскича усулда ишладан воз кечолмаётган раҳбар кадрларнинг ҳамон давр талабини ҳис этмаётганида.

Бир мисол. Вилоятда 2019 йилда 15-20 йиллаб бузилиб ётган ўнлаб километр масофадаги йўллар асфальтланди. Қишлоқларда эски трансформатор, электр симёғочлар алмаштирилмоқда.

Раҳбарлик имтиёз эмас, халққа хизмат қилиш мажбурияти. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, туман миқёсидаги раҳбар агар хоҳиши бўлса, маблағсиз, ишни тўғри ташкил қилиш билан ҳам анча муаммоларни ҳал эта олади.

Айрим раҳбарлар ҳузурига фуқаролар талаб билан арз қилиб келганда, «Маблаг йўқ, режага киритамиз» деб қутулишади.

«Юқоридан» кўрсатма кутиб, «чизилган чизик»дан чиқишга қўрқшади. Кўпиди мустақил фикр йўқ, масъулиятни ҳис этмаслик одат бўлиб қолган.

Бир мисол. Вилоятда 2019 йилда 15-20 йиллаб бузилиб ётган ўнлаб километр масофадаги йўллар асфальтланди. Қишлоқларда эски трансформатор, электр симёғочлар алмаштирилмоқда.

Шу ойда таваллуд топганлар

10 ЯНВАРЬ

Ҳотам УМУРОВ – 1942 йилда Жиззах вилоятида туғилган. Филология фанлари доктори.

Сўюн КАРИМОВ – 1950 йилда Нуробод туманидаги Улус қишлоғида туғилган.

«Янги йилга – янги китоб»

Пахтачи туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабида ана шу широк остида китобхонлик акцияси ўтказилди.

Мазкур мактаб кутубхонаси 9 мингга яқин китоб фондига эга бўлиб, китобларнинг 835 тасини бадий адабиётлар ташкил этади.

– Нафақат мактабимиз ўқувчилари, балки собиқ битирувчилар ва ота-оналар ҳам китобсевар, – дейди кутубхоначи Сирожиддин Каримов.

Дарвоқе, акция доирасида Эшназар бобо каби отахону онахон, ота-оналар мактабга келиб, неваро-ю фарзандларининг китоб ўқишга қизиқишини ошириш мақсадида китоблар олди.

Иzzатулла НОРҚУВВАТОВ.



Иштихон туманидаги Дамариқ қишлоғида тадбиркор Тўрғонтош Хушвақтова ташаббуси билан давлат-хусусий шериклик асосида «Ҳидоят зиёси» номли болалар боғчаси Дамариқ, Тангали, Сарой, Гулистон қишлоқларидаги 100 нафар болаларни ўз бағрига олган.

Бугунги кунда туманда 21 670 нафар 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг 46 фоизи 131 та мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.

Янги китоблар

Ўзбек тили дунё кезмоқда

Филология фанлари номзоди, доцент Абдувоҳид Худойбердиевнинг Тошкент шаҳридаги "Nurafshon business" нашриётида "Ўзбек тили дунё кезмоқда" китоби чоп этилди.

Муаллиф мазкур тўпламда ўзбек тили тараққиётида ҳазрат Навоийнинг ўрни, туркий тилда яратган асарлари билан ушбу тилнинг ҳам маънавий, ҳам луғавий ва нафосат борасида қардош тиллардан қолишмаслигини исботлаб берганлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтган.

Китобдан булардан ташқари тўйнома, ёдном, одобнома ва айниқса, янги давр адабиётига шахдам қадамлар билан кириб келаётган С.Бўриевнинг "Танҳолик тантанаси" асарига ёзилган тақризнома рўқнидаги қузатувлари ўрин олган.

Китобнинг ёзилиш услуби, баънининг соддалиги ва жумлаларнинг силлиқлиги унинг мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ҳамда кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланганлигини кўрсатади.

Китобнинг ёзилиш услуби, баънининг соддалиги ва жумлаларнинг силлиқлиги унинг мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ҳамда кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланганлигини кўрсатади.

Китобнинг ёзилиш услуби, баънининг соддалиги ва жумлаларнинг силлиқлиги унинг мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ҳамда кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланганлигини кўрсатади.

Зикрилла БҮРОНОВ.


"Митти юлдуз бўлолсам"

Яқинда ёш қаламкаш Нозимахон Аъламованинг "Митти юлдузча", "Ҳаёт ойнасидан мўралаганда" номли қатра ва шеърлар тўпламлари қўлига тушиб қолди.

Нозимахон ҳали адабиёт гулшанида ёш ниҳол. Унинг нозик қалбидаги меҳр чашмаси уммондек, қорзулари туганмас ва бегубор. Митти қалби меҳр-мурувватга лиммо-лим.

Қаниди эккан гулларим, Унса, усса, сўлмаса. Ватан меҳрин дилга туйиб, Самоларга учолсам. Нодираю Увайсийлар Юрган йўллардан юриб, Зулфиянинг кенжатоий Митти юлдуз бўлолсам.

Нозимахон Паст Дарғом туманида туғилган. Ҳозирда Тошкент хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат ўмумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси.



бўлишига қарамай икита китоби чоп этилган истеъдодли қизнинг ижодига ҳавас қилса арзийди. Қанийди, орамизда Нозимахондек қобилиятли, интилувчан ўқувчиларимиз кўпайса.

Икромжон ФАЙЗИЕВ, Паст Дарғом тумани 53-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

Ҳурматли обуначилар!

Агар сиз Самарқанд вилояти «Матбуот уюшмаси» масъулияти чекланган жамияти орқали обуна уюштирилган даврий нашрларни ўз вақтида олишда муаммоларга дуч келаётган бўлсангиз, эътироз ва таклифларингизни

(0366) 234-03-96, 234-54-37

телефон рақамлари орқали жамиятимизга билдиришингиз мумкин.

Шунингдек, вилоят «Матбуот уюшмаси»нинг туман, шаҳар участкаларидаги қуйидаги обуна ва чакана савдо ташкилотчиларининг телефон рақамлари орқали ҳам таклиф, мулоҳаза билидиринг:

Table with 4 columns: T/p, Tumanlar nomi, Ходимнинг исми-фамилияси, Телефон рақами

ВИЛОЯТ «МАТБУОТ УЮШМАСИ» МЧЖ МАЪМУРИЯТИ

ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН БИРОРТА ХАТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Zarafshon AMARKANDSKIY ESTNIK logo and contact info.

Boш мухәррир: Фармон ТОШЕВ. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда...

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙИТОВ. Навбатчи: Ё.МАРҚАЕВ. Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ. ISSN-201667X